



XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 15 - oktabr

VI-31-73-3-43-K/21

Arnasoy tuman hokimligi

Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағ ўтказиб бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев)га туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 220,0 млн.сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Ажратилган маблағни мақсадли ишлатилишини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмамов ва туман ҳокимлиги бош

ҳисобчиси Б.Мухиддиновларга топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш, халқ депутатлари туман Кенгашининг "Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш" масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исматов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул килинган кундан кучга киради.

Ноким



Ҳ.Алимарданов